50 (600)
2007 йил 12 декабрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Омонат иншоот омон сақлаши қийин!
▶ Ўрмон ариғи тозаланиб, уммондек тўлди

3
▶ Мутаассиблар макридан сақланинг!
▶ Бобурнинг сергак посбони

4
▶ «Келин кўрди» кимга керак?
▶ Элчига ўлим йўқ, йўлчига тиним...

Расмий хабар

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 декабрь куни Оқсаройда Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси президенти Тан Сри Дато Сри Мохд Ҳасан Мариканни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни ишончли шерик деб билишини таъкидлади.

— Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингиз ҳамкорлик изчил давом этиши ва унинг истиқболи порлоқ эканидан яна бир далолатдир, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил октябрь ойида Малайзияга давлат ташрифи чоғида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Петронас» корпорацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳамда нефть-газ захираларини биргаликда ўрганишга оид битим имзоланган эди. Бу келишувлар Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуига бир неча юз миллион долларлик сармоя киритишни назарда тутади. Ҳозиргача «Бойсун» ва «Сурхон» сармоявий блокларида сейсмологик разведка ишлари учун 50 миллион доллар сарфланди.

1974 йили ташкил этилган «Петронас» трансмиллий корпорация бўлиб, ҳозир 30 мамлакатда фаолият юритади. Дунёдаги энг қудратли корпорациялар сафида турувчи «Петронас»нинг фаолият доираси жуда кенг. Булар нефть ва газ конларини қидириш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.

«Петронас»нинг салоҳияти ҳақида Куала-Лумпур шаҳрида қад ростлаб турган мўъжиза ҳам яхши тасаввур беради. «Петронас» номи билан аталувчи «эгиз» минора бутун мамлакатнинг фахрига айланган. 1998 йилда бунёд этилган бу қўшминорнинг баландлиги 452 метр. «Петронас» корпорацияси асосий пудратчи сифатида унинг қурилишига 800 миллион АҚШ доллари сарфлаган.

«Петронас»нинг «Ўзбекнефтгаз» билан ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда. Куни кеча ушбу икки компания ўртасида нефть-кимё саноати соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва ўзаро ҳамкорликка доир битимлар имзолангани алоқалар кўлами янада кенгайишидан далолат беради.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Тан Сри Дато Сри Мохд Ҳасан Марикан самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, «Петронас» Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳалардаги иштирокини кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида «Петронас» билан биргаликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларга, янгиларини ишлаб чиқишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

2008 йил — Ёшлар йили

"Бугунги кунда "Ёшларимиз бизнинг таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз" деган сўзлар кўп ишлатиладиган иборага айланиб қолди. Бу албатта бизнинг, барча ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг орзу-умиди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Лекин мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, бу иборани кенгроқ маънода ифода этишни истардим. "Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир", десак, ўйлайманки, бу олиб бораётган сиёсатимиз ва мақсадларимизга жавоб берадиган даъват бўлади".

Президент Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан.

КЕЛАЖАКДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2008 йилнинг мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши навқирон авлод ҳаётида қувончли воқеа бўлди.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаркатининг ташкил этилиши, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақаларини ўз ичига олган уч босқичли спорт тизимининг йўлга қўйилиши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилиши, ҳарбий хизматни намунали ўтаб қайтган йигитларга олий ўқув юртларига киришда имтиёз берилиши ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар замирида ана шундай эзгу мақсад мужассам.

— Юртимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, ҳар томонлама камол топиши, ёруғ келажаги йўлида амалга оширилаётган ишлар самарасини самарқандлик ёшлар ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши раиси А.Пардаев. — Айни пайтда вилоятда еттита олий, 131 та ўрта махсус ўқув юртлари, 1216 та мактаб ва юздан зиёд мактабдан ташқари таълим муассасалари ишлаб турибди. Мазкур таълим масканларида ёшларнинг пухта билими олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида чекка қишлоқларда ҳам замонавий мактаблар, коллеж ва лицейларнинг қад ростлаётгани ёшларга ўз иқтидор ва имкониятини тўла намоён қилишга йўл очди.

Мамлакатимизда илк бор Самарқандда Ёшлар маркази, шунингдек, унинг қошида ижтимоий хизматлар маркази фаолиятининг йўлга қўйилгани ҳам ана шу юксак эътибор самарасидир. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни фойдали ишларга жалб этиш мақсадида ташкил этилган бундай марказлар сони бугунга келиб ўндан ошди.

Бу борадаги ишлар давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги қароридан сўнг янги босқичга кўтарилди. Яқинда вилоят ёшларидан 13 нафари "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган "Келажак овози" танловининг мамлакат босқичида ғолиблар сафидан жой олди. Ёшлар йили деб эълон қилинган келгуси йилда эса бундай ютуқ ва муваффақиятлар салмоғи янада ортади.

— Биз — ёшларга кўрсатилаётган алоҳида эътиборни барча тенгдошларим, қолаверса, ўз ҳаётим мисолида теран ҳис қиламан, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси Феруз Зоҳидов. — Истиқлол туфайли бунёд этилган замонавий касб-ҳунар коллежида ўқидим. Бу ерда олган билимларим туфайли 2006 йилда "Келажак овози" танловида ғолиб бўлдим ва жорий йилда институтга имтиёзли қабул қилиндим. Бунинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

— Президентимизнинг шу йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони биз каби мустақил ҳаёт бошлаган ёшлар учун катта имконият яратиб берди, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи Ю.Бобоев. — Ипотека банкнинг вилоят бошқармасидан берилган имтиёзли кредит ҳисобидан икки хонали квартира сотиб олдик. Бундай ғамхўрлик учун беҳад миннатдормиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилда вилоятдаги икки мингдан зиёд ёш оилаларга 4,5 миллиард сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Кириб келаётган 2008 йил — Ёшлар йилида бундай эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 11 декабрь куни Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Фарғона округ сайлов комиссияси раиси Р.Тожиев очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Фарғона ўзининг бетакрор табиати, бой тарихи, буюк алломалари, юксак иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти билан мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Фарғона деганда, қадимий цивилизация ва маданиятни ўзида мужассам этган Марғилон, Қўқон, Қува сингари қадимий шаҳарлар, юртимиз шуҳратини дунёга ёйган Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний сингари буюк алломалар сиймоси кўз олдимизда намоён бўлади, деди Ислом Каримов. Жорий йилда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонланган мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Бугунги кунда вилоятда фаолият юритаётган ўнлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналари мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини янада кенгайтирмоқда. «Азот» акциядорлик жамияти, Фарғона фурон бирикмалари заводи, Қўқон суперфосфат заводи каби корхоналардаги технологик янгилаш ва модернизациялаш ишлари натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ортди, юзлаб янги иш ўринлари яратилди. Вилоятда етиштирилаётган пахта ҳосилининг 68 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Бу халқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси тобора юксалиб, пенсия таъминоти такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари мунтазам ошиб бораётганида намоён бўлмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан Марғилон шаҳар қурилиш объектлари дирекцияси директори Абдуҳоди Ҳусанов, Республика "Ҳунарманд" уюшмаси Риштон ҳудудий бўлими аъзоси Йўлдошали Полвонов, Тошкент Тиббиёт академияси Фарғона филиали ўқитувчиси Наталья Мартиненко, Фарғона давлат политехника институти талабаси Гулбаҳор Асқарова, Қўқон шаҳар "Мулоқот" телестудияси раҳбари Бурҳон Шерматов ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий урф-одатларимиз ҳамда буюк аждодларимиз меросини тиклаш, давлатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялаш каби устувор вазифаларни амалга оширишнинг ишончли кафолати эканини қайд этиб, сайловчиларни 23 декабрь куни бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

В.ЛУҚМОНОВ,
М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 11 декабрь куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг раиси С.Қурбонқулов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши раиси С.Аъзамов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланган. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига эътибор ва ғамхўрлик устуворлик касб этмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари муттасил оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Рустамов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Дониёр Азизхўжаев, Пскент туманидаги 42-умумтаълим мактаби директори Машкура Раимжонова, Қибрай тумани "Байтқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Салимова ва бошқалар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат шаклланганидан, сайлов тизимларимиз умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканлигини таъкидладилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

ДИЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВАНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмуҳамедова 11 декабрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Собир Раҳимов тумани маънавият ва маърифат кенгаши раҳбари Ф.Пармонова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Дастурда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиб бораётгани таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда, ёшларнинг ўз билим ва салоҳиятини намоён этиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д.Тошмуҳамедова нутқ сўзлади.

Тошкент кимё технологиялари институтининг биринчи проректори Маҳфуза Қорахўжаева, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси Феруза Акрамова, Қорёғди маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Миржамшид Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар ва сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик тамойилларга амал қилинаётгани, миллий сайлов тизимларимиз халқаро нормаларга тўла мос келишининг ёрқин далилидир.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Mahalla

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Тошкент вилояти

Саховатпешаларданмиз

БЕКОБОДЛИК ҲОМИЙЛАР

Бекобод шаҳридаги Зафар маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 16-умумтаълим мактаби "Йилнинг энг яхши мактаби" республика кўрик-танловида иштирок этиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Бу маҳалладошларни ҳам беҳад қувонтирди.

Шунингдек, шаҳардаги "Бахт уйи"да ўтказилган "Маҳалламиз мактаби — бизнинг фахримиз" мавзусидаги тадбир ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Албатта, бундай муваффақиятнинг қўлга киритилишида мактаб директори Ортиқжон Маърупова ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг хизмати катта.

Ҳудудда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Жумладан, маҳалла ҳудудидаги "Ўзметкомбинат" корхонаси маҳалла ёшларини иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жорий йилда ҳам ўн нафардан ортиқ йигит-қиз шу ерда ишли бўлди. Айниқса, бу борада маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишларимизда "Ўзметкомбинат" АИБ бош ҳомий сифатида кўмакдош бўлмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нишонбой Раҳмонбердиев.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтожларга маҳалладошлар ва ҳомий ташкилотлар томонидан меҳр-мурувват кўрсатилмоқда. Хусусан, яқинда кам таъминланган оилаларнинг 50 нафар болажонларига хайрия тадбири ташкил қилиниб, уларга совға-саломлар топширилди. Маҳаллада истиқомат қиладиган 15 нафар бемор ва қариялар ҳолидан эса мунтазам равишда хабар олиб турилади.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

Сув келтирган элда азиз

Инсоннинг қандайлиги ҳаёти давомида бажарган хайрли ишлари билан белгиланади. Куч-ғайратини эл-юрт фаровонлиги йўлида сарфлаётган фидойи инсонлар қаторида Ёзёвон шаҳарчасининг Ҳамза номли маҳалласида истиқомат қилувчи Эргаш Жўраев номини ҳам тилга олсак арзийди.

Эргаш ака Йўлдошобод маҳалласини сув билан таъминловчи 15 километрлик Ўрмон ариғини тозалаш ишига бошчилик қилди. Натижада йигирма йилдан буён хасҳашак, лойқа босиб ётган ариққа оби ҳаёт келди. Маҳалла аҳлининг сувсизликдан қовжираб ётган томорқалари, боғу гулзорлари яна яшнай бошлади. Албатта, бу ишни амалга ошириш осон кечмади. Бунинг учун тер тўкишга, қанчаданқанча масъул идораларга бош суқишга тўғри келди.

— Йўлдошободга сув фақат кузда келар ва аҳоли ўртасида талаш бўларди, — дейди Эргаш Жўраев. — Ҳатто кўп одамлар жанжал-суронлардан безиб, экин экмай қўйганди. Шу сабабли менда қишлоққа сув олиб келиш фикри туғилди. Ёзёвон қишлоғи аҳли, фермерларнинг ҳақли талаблари билан туман ҳокимлиги, вилоят сув хўжалиги бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан Ўрмон ариқни тубдан қайта реконструкция қилиш ҳамда қўшимча 7 километр узунликдаги транзит сув йўлини қуриш режаси ишлаб чиқилди. Шундан сўнг ишлар юришиб кетди. Айни пайтда Юртбошимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан илҳомланиб, Иттифоқ маҳалласидан ўтувчи 8 километр узунликдаги ариқни тозалаш ишларини жадал олиб боряпмиз.

Эргаш аканинг айнан сув тармоқлари тўғрисида жон куйдириши бежиз эмас. Чунки у 15 йил туман сув хўжалиги бошқармасида меҳнат қилган. Истиқлолнинг дастлабки йилларида эса кўпчилик қатори ер олиб, "Мададкор-97" фермер хўжалигини ташкил этди. Оила аъзолари ва маҳалланинг 5 нафар фуқаросини иш билан таъминлади. Фермер хўжалиги ҳар йили давлатга пахта ва буғдой сотиш бўйича шартномавий режани ортиғи билан уддалаб келмоқда. Бу йил, айниқса, буғдойдан катта хирмон кўтарилди. Даромаддан лизингга олинган чопиқ трактори учун тўлов амалга оширилди. Жамоа хўжалиги аъзолари бир пайтлар ҳосилдорлиги гектаридан 5 центнердан ошмаган ер майдонларидан ҳам 30 центнерга етказиб ҳосил олмоқда.

— Нимагаки эришаётган бўлсак, бу аввало истиқлол шарофати, қолаверса, юртимизда тадбиркор ва фермерларга яратиб берилаётган имкониятлардан деб биламан. Олган даромадимиз ҳисобидан ҳар йили кам таъминланган оилаларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга имкон даражасида ёрдам бериб турамиз. Зеро, қўли очиқ инсон бўлсангиз, Аллоҳ ҳам ризқу барака билан сийлайверар экан, — дейди Эргаш ака.

Бахтиёр ЖОЛЧУЕВ

Фарғона вилояти

Қашқадарё вилояти

«Тез тиббий ёрдам» таъмирланди

Чироқчи туманида қиш мавсумида турли касалликларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туман марказий шифохонаси тасарруфидаги қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиникалар бу борада аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатишга тайёрлаб қўйилди.



— Қишга тайёргарликни анча барвақт бошлаганмиз, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Холиёр Қодиров. — Айниқса, бу ишда барча жиҳозлар билан таъминланган "Тез тиббий ёрдам" марказимиз жамоаси намуна бўлмоқда. Яқинда марказга Японияда келтирилган энг сўнгги русумдаги ультратовуш ва эндоскоп аппаратлари ўрнатилди. Бу эса касалликларга аниқ ташхис қўйишда қўл келмоқда.

СУРАТЛАРДА: *ультратовуш аппарати мутахассиси — врач Наргиза Нортожиева бемор хизматида;*
таъмирдан чиқарилган "Тез тиббий ёрдам" маркази биноси.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўқув-семинар

Тизим ходимларига тавсиялар

Маълумки, бугунги кунда маҳалла тизими ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда иш юритиш услубларини такомиллаштириш, соҳада рўй бераётган янгиликлардан бохабар этиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви қошидаги "Маҳалла зиёси" республика ўқув-услубий маркази ташаббуси билан жорий йилнинг 19 ноябридан 1 декабрига қадар мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари учун семинар-йиғилишлар ўтказилди. Унда бўлим ва бўлинмалар раислари ва бош ҳисобчилари, фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллари, котиб ва маслаҳатчилари иштирок этишди.

Семинар-йиғилишларда фуқаролар йиғинининг намунавий тузилмаси ва иш юритиш услублари, ҳуқуқий асослари ҳамда фаолияти, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда маҳалланинг ўрни, ҳисобчилар фаолиятидаги янгиликлар ва иш юритиш услубларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, электрон тизим, бухгалтерия тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя ва ФҲДЁ фаолияти каби масалалар юзасидан маърузалар ўқилди. Шунингдек, қатнашчиларга "Маҳалла зиёси" республика ўқув-услубий маркази томонидан нашр этилган "Ҳуқуқ ва бурч — ютуқлар гарови" номли янги рисоланинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси Ш.Юнусовнинг ҳуқуқий ва сиёсий мавзуларга доир, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви бош ҳисобчиси Ж.Ишназаровнинг бухгалтерия ҳисоби ва уни такомиллаштиришга доир маърузалари иштирокчиларнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди.

Семинар-йиғилиш иштирокчиларига жамғарма ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қатор тавсиялар берилдики, бу уларнинг иш фаолиятида асқотиши аниқ. Бундан ташқари, тарқатма материаллар, зарур маълумотларнинг электрон нусхаси жамланган компьютер дисклари ва маҳалла фуқаролар йиғини намунавий тузилмаси жадвали ҳам тарқатилди.

Ўз навбатида иштирокчилар ҳам мазкур семинарларнинг аҳамияти ҳақида алоҳида таъкидлаб, бундай ўқувларнинг мунтазам ўтказиб борилишини таъминлаш, жамғарманинг ҳудудий бўлимлари қошида "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий марказининг филиалларини очиш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ва тизим фаолиятини такомиллаштиришга доир ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Шулардан келиб чиқиб ўқув маркази томонидан келгуси йилда ҳам семинар-йиғилишларни мунтазам равишда ўтказиб бориш режалаштирилди.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Табиат ва биз

АЖОЙИБОТЛАР МАСКАНИ

Бойсун ўрмон хўжалиги ҳудудига шундай таъриф бериш мумкин

Бир-бирига елка қўйиб ётган улуғвор тоғлар бағрида жойлашган Бойсун ўрмон хўжалиги ҳудудининг кенглиги жиҳатидан воҳада салмоқли ўринга эга.

Кенгдала, Хомкон, Алачопон ҳамда марказий ўрмон бўлимларидан иборат бўлган мазкур ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 75280 гектарни ташкил этади. Шундан 29624 гектари баланд танали арча дарахтлари билан қопланган. Маданий ўрмонзорлар майдони эса 500 гектардан ошади. 3,5 гектар ҳудудда ҳар хил навли дарахтлар ўстирилса, қарийб 400 гектар ерда деҳқончилик билан шуғулланилиб, беда уруғи, ғалла, нўхат, картошка етиштирилади. Ўрмон хўжалигида чорва моллари учун мўлжалланган яйловлар 17750 гектарни ташкил этади.

— Ўрмонзорлар табиат инъом этган бебаҳо бойлик, қолаверса, у ерни эррозиядан сақлайди, сувни кўпайтиради, — дейди хўжалик директори Бахтиёр Амиров. — Уни авайлаб-асраш асосий вазифамиз. Ҳозирда мавжуд имкониятларни ишга солиб, ёрдамчи тармоқларни йўлга қўйяпмиз. Марказий бўлим ҳисобида ёғочга ишлов бериш корхонасини ташкил этдик. Унда тайёрланаётган эшик ва дераза ромлари жуда харидоргир. Асаларичилик борасидаги ютуқларимиз ҳам салмоқли. Ўтган йилнинг ўзида 2000 кг шифобахш асал етиштирилгани фикримиз тасдиғи.

Бу ўрмон хўжаликларида ноёб зира, анзур пиёзи, кийик ўти, мингтомир, қонтепар, ёввойи чой, шунғула, ифор, дашт пиёзлари, алқор, саримсоқ, дўғбой, телпак ўт, занжабил каби минг дардга даво гиёҳлар ҳамда чинор, арча, ирғай, учқат, туғдона, бодом, писта, шунг, тол, фарз сингари дарахтлар ўсади.

— Тоғларимизни ажойиботлар дунёси дейиш мумкин, — дейди кекса ўрмончи Пирим Мўминов. — Айиқ, бўри, силовсин, қоплон, суғур, қундуз, сув ити, қора ва қизил рангли кийиклар, қуён, ҳилол, каклик сингари ҳайвонлар, ўрдак, бирқозон, кўккаптар, бедана каби қушларнинг бешиги шу сервиқор тоғлар.

Сурхондарё вилояти

Янги ўрмонлар барпо этиш мақсадида Қизилсой, Ўрикли, Чайлати, Қарамаз ҳудудларида дарахтзорлар майдони 100 гектарга кенгайтирилди. Унинг 49 гектаридаги мевали дарахтлар ҳосилга кирди. Кенгдала, Мачай ҳудудларидаги 1,5 гектар ерда олма, арча, ўрик, бодом ниҳоллари ўстириляпти.

— Мана шу ерларни кўрсам, — дейди Б.Амиров Мобирли даласига ишора қилиб, — ўйга толаман. 30 гектар! Анча йиллардан бери фойдаланилмай ётибди. Бу ерларни ўзлаштириш керак. Бундан ташқари, зира экишни йўлга қўйсак, зираворларни қўриқлаш учун атрофни симтўр билан ўраб олсак, нур устига аъло нур бўлар эди. Ўшанда халқимизнинг зиравор маҳсулотларга бўлган талабини тўлароқ қондирамиз, қолаверса, хўжалик иқтисодиётига ҳам катта фойда келтирган бўламиз.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Эҳтиёткорлик — шарт!

Хушёр уй бекалари — оналаримиз, опа-сингилларимиз, келинларимизнинг яхши бир одати бор. Улар уйдан чиқиб кетаётганларида: "Газни ўчирдимми? Чироқни-чи? Дазмол ёки бошқа қурилма ёқиқлик ҳолда қолиб кетмадими?.." дея хаёлидан ўтказишади ҳамда бунга ишонч ҳосил қилмагунларича қайта-қайта кўздан кечиришга эринмайдилар. Табиийки, эҳтиёткорликни таъминловчи бундай одат ёнғин келиб чиқиши хавфини бартараф этишда жуда муҳимдир.

"ЧИРОҚНИ ЎЧИРДИММИ?"

Маълумки, бугунги, техника тараққиёти даврида янги-янги қурилмалар, асбоб-ускуналар яратилмоқда. Уларнинг аксарияти бевосита электр манбаи билан ишлайди. Шундай экан, ушбу қурилмалардан фойдаланишда оддий эҳтиёткорлик, хавсизлик қоидаларига риоя этиш ҳар биримиз учун муҳим шарт.

Биргина мисол, яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Генерал Узоқов номли кўчада жойлашган хонадонлардан бирига ўт кетди. Оқибатда уйнинг томи ва уй жиҳозлари ёниб кетди. Ҳатто ёнғин қўшни ҳовлига ҳам ўтиб, турар-жойнинг томи ҳамда бир қанча уй жиҳозларини кулга айлантирди. Мазкур кўнгилсиз воқеа газ плитаси (АГВ)нинг исиб кетиши ва бунга хонадон эгаларининг эътиборсизлиги туфайли юз берган.

Содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг кўпчилиги аҳоли турар-жойларида рўй бермоқда. Демак, ушбу фалокатли ҳодисаларнинг аксарияти фуқароларнинг лоқайдлиги сабаб келиб чиқмоқда.

Тўғри, ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан халқ хўжалиги тармоқлари ҳамда аҳоли яшаш масканларида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Аммо бу ерда таъкидланаётган хавфсизлик қоидаларига ҳар доим ҳам, ҳаммамиз ҳам риоя қиляпмизми?..

Саидолим КАМОЛОВ,
Тошкент шаҳри 12-ХЁХО смена бошлиғи,
катта лейтенант.

ОМОНАТ иншоотлар

ёнғинга қарши маъёрий қоида талабларига жавоб бермайди

Ҳозирги кунда айрим фуқаролар моддий манфаат кўриш ёки кундалик турмушда қулайлик яратиш мақсадида марказий йўллар, турар-жой биноларининг атрофида, бозорларнинг рухсат этилмаган қисми ва пиёдалар ер ости ўтиш йўлларида ҳар хил турдаги савдо, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, автомобиллар тўхташ жойи, баъзилар эса ўз хонадонларига қўшимча хоналар қуриб олишмоқда.

Аксарият ҳолда бу каби қурилишлар ён-атрофдагилар, қўни-қўшнилар хавфсизлигини ҳисобга олмай, боз устига, мутасадди ташкилотларнинг рухсатисиз амалга оширилмоқда. Ачинарли томони шундаки, омонат қурилишлар ёнғинга қарши меъёрий қоида талабларига жавоб бермайди. Бундан ташқари, ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар фуқароларнинг бемалол ҳаракатланишига, айниқса, фавқулодда вазиятлар рўй берганда жабрдийдаларни қутқаришга, ёнғин ўчириш ва тез тиббий ёрдам машиналарининг воқеа жойига бемалол етиб боришига тўсқинлик қилиши, юзага келган вазиятнинг янада кескинлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Хўш, ноқонуний қурилиш деганда қандай иншоотлар назарда тутилади?

Энг аввало, қурилиш учун маҳаллий ҳокимлик томонидан ер ажратилмаган ёки вақтинчалик рухсат берилмаган, лойиҳа ҳужжатлари бўлмаган, ёнғинга қарши меъёрий қоида талабларига жавоб бермайдиган иншоотлар ноқонуний қурилган иншоотлар сирасига киради. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида Президентимизнинг 2005 йил 26 апрелдаги "Шаҳарларда йўл қурилишини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамаси, Ички Ишлар вазирлиги томонидан белгиланган махсус чора-тадбирлар ижросини таъминлаш, мақсадида пойтахт ҳудудида ноқонуний қурилишларни аниқлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Шаҳримизда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1443 та ёнғин ҳолати қайд этилиб, уларнинг 297 таси хусусий уй-жойларда, 236 таси эса кўпқаватли турар-жой биноларида содир бўлган. Ёнғинлар оқибатида 21 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди, 36 нафари эса тан жароҳати олди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишда ўзини ўзи бошқариш тизими ходимларининг ўрни катта. Чунки фуқаро ким бўлишидан қатъи назар у қайсидир маҳалла ҳудудида истиқомат қилади. Қолаверса, "Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик" деган иборани ҳар биримиз ёдда тутишимиз, унга амал қилишимиз шарт.

Дилмурод РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ МТЭБ катта муҳандиси, майор.

Ҳурматли маҳалладошлар! "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" доирасида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этинг.

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими Янги йил байрами яқинлашиб келаётганлиги сабабли фуқароларимиздан пиротехника воситаларидан фойдаланмасликни сўрайди.

Ливанда:

САЙЛОВ САНАСИ САККИЗИНЧИ БОР ЎЗГАРДИ

ЛИВАН президентлигига сайловлар муддати шу йилнинг сентябрь ойидан буён саккизинчи марта бошқа муддатга кўчирилди. Навбатдаги сана жорий йилнинг 17 декабри деб белгиланганлиги ҳақида Reuters агентлиги хабар қилади.

Ливан конституциясига биноан, мамлакат президенти парламент томонидан сайланади. Сайлов натижалари ҳақиқий деб ҳисобланиши учун, унда мавжуд 127 нафар депутатнинг камида 85 нафари иштирок этиши лозим. Бунда бўлажак президент номзодини овоз беришда қатнашган парламент аъзоларининг учдан икки қисми ёқлаган бўлиши шарт.

Мамлакатни сўнгги тўққиз йил давомида бошқариб келган Ливан президенти Эмил Лахуд шу йил 23 ноябрда истеъфога чиқди. Ливан парламенти мамлакатнинг янги президентини сайлашга жорий йилнинг сентябрь ойидан буён уриниб келмоқда, лекин....

Аргентинада:

КРИСТИНА ФЕРНАНДЕС ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

ДУШАНБА куни Кристина Фернандес де Киршнер Аргентина президентлигига қасамёд қабул қилди ва унинг номи мамлакат тарихидаги биринчи аёл президент сифатида солномаларга ёзилди, дея хабар қилади France Press агентлиги. Тантанали маросимда мамлакат конгресси аъзолари ва 160 та хорижий делегация вакиллари иштирок этди. Социал-демократлар тарафдори бўлган 54 ёшли Киршнер хоним мамлакатнинг собиқ президенти Нестор Киршнернинг рафиқасидир.

Президент инаугарация маросимида сўзлаган нутқида мамлакатда камбағалликка қарши кураш ўз фаолиятида устувор йўналиш бўлишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Киршнер хоним турмуш ўртоғининг президентлик фаолиятини юқори баҳолади ва эндиликда ҳам Аргентинанинг сиёсий ва иқтисодий тараққиёти Нестор Киршнер томонидан белгиланган йўналишда давом этишини айтди.

АҚШда:

ОКЛАХОМАДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

АМЕРИКАНИНГ Оклахома, Миссури ва Канзас штатларида юз берган табиат инжиқликлари туфайли ярим миллиондан ортиқ хонадон электр қувватисиз қолди. Кучли дўл ёғиши ва музлаш оқибатида юзага келган оғир шароит қурбонлари сони 15 нафарга етди.

Оклахома штатида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Штат марказидаги кўчаларда музлаган дарахтларнинг шох-шаббалари мудом синиб тушаётгани сабабли транспорт ҳаракати тўхтатилган. Электр симлари ҳам муз оғирлигига дош беролмай узилиб кетмоқда. Электр қуввати узилиши туфайли кўчалардаги сув насослари ва сув билан таъминловчи бошқа қурилмалар ҳам ишламаяпти. Оклахомада жойлашган мактабда ёнғин чиқиб, мактаб биноси буткул ёниб тугади. Кўпгина шаҳарларда аҳоли ўртасида қадоқланган ичимлик суви тарқатиляпти. Мутахассисларнинг фикрича, табиат инжиқлиги оқибатларини бартараф этиш ўн кун ва ундан ортиқ муддатга чўзилиши мумкин.

Маҳалланг тинч — сен тинч

Тошкент шаҳри

"Посбон бўлсанг, ўзингга!" ЭМАС!

ёхуд бугун маҳалладошлар осойишталикка масъул йиғин ходимига бундай муносабатда бўлишмайди

— Баъзида ўйлаб, хурсанд бўламан: маҳалладошларимиз кўнглига ҳақиқий ўзбекона меҳр-оқибат қайтиб келяпти, — дейди Сергели туманидаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғини посбонлари сардори Орифжон Тўхтабоев. — Салкам 11 йилдан бери маҳалламизда шу вазифада ишлаб келяпман. Бундан беш-олти йил аввал хонадонларга борганимизда, "Посбон бўлсанг, ўзингга!" қабилида муомала қилиб, эшигини қарсиллатиб ёпиб олганлар ҳам бўлди. Ҳозир эса маҳаллада муҳит ўзгарган. Тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида уруш-жанжаллар, оилавий можаролар деярли учрамайди. Бирор киши маърака ёки кичик тадбир уюштирса ҳам, аввало қўнғироқ қўшнисининг маслаҳатини олади, маҳалла билан кенгашади. Қолаверса, тўю тантанасига келолмай қолган ёки ногирон ва кам таъминланган қўшниларига тадбир дастурхонига тортилган нозне ъматлардан улашади. Бир қарашда бунинг посбон фаолиятига ҳеч қандай алоқаси йўқдай туюлиши мумкин. Аслида эса меҳр-оқибат бор жойда жипслик ортади, уруш-жанжал кам бўлади. Демак, посбоннинг биринчи навбатда қиладиган иши аҳолини ҳамжиҳатликка чорлашдан иборат.

Дарҳақиқат, 55 та кўпқаватли уйлардан иборат мазкур маҳалладa кейинги икки-уч йил ичида жамоатчилик ишлари кенг йўлга қўйилиши натижасида жиноятчилик қайд этилмади. Бунда ишчи ўринларини кўпайтириш йўли билан ишсиз юрган ёшларни банд қилиш тажрибаси ҳам қўл келди. Ҳозирда деярли ҳар бир кўпқаватли уйнинг ёнида дала-дўконлари фаолият юритмоқда. Уларда кўплаб фуқаролар иш билан банд.

— Ҳафтада бир марта аҳоли иштирокида ўтказиладиган йиғилишларимиз самара бериб, бизга ҳам, посбонларга ҳам фаолиятда енгиллик туғилмоқда, — дейди маҳалла оқсоқоли Раҳматулла Қурбонов. — Йиғилишда кишилар ўз муаммоларини, гоҳида қўшнилари билан юзага келган тушунмовчиликларни айтиб, маслаҳат сўрайди. Биз йиғин ходимлари, хусусан, посбонлар ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи кўмагида мауаммоларни ҳал этишга ҳаракат қиламиз.

Маҳалла ҳудудидаги кўпқаватли уйларнинг барча йўлакларига темир эшиклар ўрнатилган. Ҳатто, кўпқаватли уйларда лифтлардан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида уларга махсус калитлар ёрдамида очиладиган мосламалар ўрнатилмоқда.

— Йиғинимиз ҳудуди тумандаги аксарият маҳаллаларга нисбатан катта, — дейди маҳалла посбонлари сардори. — Албатта, катта ҳудудда осойишталикни таъминлаш бироз мушкул. Лекин қувонарлиси, бугун юртдошларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқини, фуқаролик бурчи ва масъулиятини яхши биладилар. Қолаверса, улар давлат ва жамоатчилик ишларида фаол иштирок этмоқда. Бу эса, табиийки, маҳаллаларимизда тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва ҳамжиҳатликни таъминловчи бош омилдир. Бундай маҳаллада тартиб-интизом ҳам ўз ўрнида бўлади.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

Ер эгаси ютуғи

ОЙИМ БОҒЛАРИДАН — ЖАҲОН БОЗОРИГА

Жорий йилда Жалақудуқ тумани Ойим мавзесидаги "Замин" фермер хўжалиги ихтиёридаги икки гектарлик анорзордан дастлабки ҳосил йиғиштириб олинди.

— Қишлоғимиз қадимдан ўзининг анор ва анжири билан машҳур, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Ғуломжон Сотволдиев. — Ҳатто ўзбек халқининг суюкли шоираси Нодирабегим ҳам қишлоққа асос солаётганида Қорадарё соҳилидаги бу ерларнинг мусаффо ҳавоси ва унумдор тупроғига алоҳида эътибор қаратган экан. Шу боис фермер хўжалиги ташкил этган кунимизданоқ ғалла ва пахта етиштириш билан бирга боғдорчиликни йўлга қўйишга ҳам бел боғладик. Бундан тўрт йил аввал хўжалигимизга қарашли камҳосил ерларга меваси йирик донали "Қора қайин" навли анор кўчатларини ўтказиб, боғ барпо қилдик. Жорий йилда ана шу кўчатлар илк бор ҳосил берди. Яқин кунларда анор меваларини қайта ишлаб, шарбат тайёрланадиган миницех қуришни режалаштиряпмиз.

— Бир ҳамқишлоғимиз иш юзасидан уч йил АҚШда бўлиб қайтди, — дейди фермер ўз сўзида давом этиб. — Бир гал у Ойим анорларидан олиб кетибди. У ёққа боргач, анорларни қўли билан сиқиб, шарбатини ўзи ижарада турган хонадон эгалари билан баҳам кўрибди. Шунда саксонга кирган уй эгаси, профессор шундай дебди: "Жаҳоннинг кўп мамлакатларида бўлганману, аммо бундай мазали шарбатни ҳеч қайси давлатда татиб кўрмагандим".

Ҳа, бу биргина аноримизга берилган баҳо, агар улар асалдек ширин анжирларимиздан татиб кўришса, нима дейишар экан?!

Шуниси эътиборлики, Ойим мавзесининг асосий ер майдонлари заҳкаш, қоратупроқли ва камҳосилли. Бироқ ота-боболаримиз ана шундай майдонларда анжирзорлар яратиб, дунёга донг таратган меваларни етиштиришган. "Замин" фермер хўжалиги жамоаси ҳам келгусида анжирнинг маҳаллий, совуққа чидамли навларини танлаб, уларни кўпайтиришни ҳам мақсад қилиб қўйган. Шу боис улар Далварзин қишлоғидаги юз ёшга кирган анжирлардан кўчат олиб, жорий йил куз ойларида янги боғлар яратишди.

Бежиз Юртбошимиз, "Фарғона водийси, ҳақиқатдан ҳам Аллоҳнинг назари тушган жой" деб айтмаганлар. Зеро, юртимизда серҳосил боғ-роғларни кўпайтириб, ширинда-шакар меваларимизни, улардан тайёрланган шарбат ва бошқа маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишимиз даркор. Бунинг учун эса серқуёш заминимизда ҳамма шароитлар, имкониятлар мавжуд.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

Истиқлол эътирофи

БИЗ ҚУРАЁТГАН ЖАМИЯТ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиалида вилоят адлия бошқармаси, "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими, нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда олий ўқув юрти талабалари иштирокида "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари: фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини янада ошириш, кишиларда онгли фуқаролик позициясини шакллантириш, шунингдек, маҳалла институти ролини юксалтириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим босқичи экани алоҳида таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, ўзаро фикр алмашдилар. Мунозаралар чоғида мазкур ташкилотларнинг қонун доирасида фаолият юритиши демократик жараёнларга, хусусан, фуқароларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга хизмат қилиши ҳақида фикрлар билдирилди.

Тадбир сўнгида маҳалла оқсоқоллари, мутахассислар ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кекса авлод вакиллари ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Э.ҚУРБОНОВ

Йил дастури ижроси — амалда!

"УМР" умид уйғотмоқда

Ижтимоий ҳимоя йилида мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ҳар томонлама кўмак бериш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, яқинда фалаж-ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш "Умр" нодавлат нотижорат жамоатчилик Марказининг Юнусобод туман бўлими томонидан хайрия тадбири ўтказилди. Унга таклиф этилган туман ҳудудида истиқомат қилувчи жисмоний имкониятлари чекланган болаларга "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши, ХДП Юнусобод тумани кенгаши, Маънавият тарғиботи маркази вакиллари ўз совғаларини топширдилар.

Эслатиб ўтиш жоизки, Марказнинг ушбу туман бўлими 2006 йил июнь ойида ташкил этилган бўлиб, унда тумандаги ногирон болалар ва ўсмирларга ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланиши учун етарлича шароит яратилган. Марказда зардўзлик, каштачилик, тикувчилик тўгараклари очилган бўлиб, уларда 60 нафардан зиёд болалар ва ўсмирлар шуғулланмоқда. Тўгарак иштирокчилари Дилмурод Ҳикматиллаев, Зафар Султонов кабиларнинг меҳнати маҳсули бўлган зардўзи чойнакпўш, кичик сандиқча ва туморлар ўзининг бежиримлиги ҳамда юқори дидда ишланганлиги билан таҳсинга лойиқ.

— Бундай тадбирлар болаларнинг ҳаётга бўлган қизиқишини ортириб, уларни доимо олға интилишга ундайди, — дейди фалаж-ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш "Умр" жамоатчилик Маркази Юнусобод тумани бўлими раиси Ҳамида Ҳамидова.

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли».

Ботир САНГИРОВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТЛАРДА: *марказ ҳаётидан ва хайрия тадбиридан лавҳалар.*

Р.ГАЛИЕВ оган суратлар.

Олам турфа

ДЕНГИЗ ОСТИДА

Маврикий оролида дам олаётган даниялик Флеминг Кох ва Нина Толгард никоҳ маросимларини Ҳинд уммони остида ўтказишга қарор қилдилар ва уни амалда қўлладилар ҳам.

Улар буни ўзларининг сув остида сузишларига боғламоқдалар.

Никоҳ маросими Маврикий тўй хизмати вакили иштирокида ўтказилди. У таг қисмига ойна қопланган қайиқда туриб, никоҳ тантанасини кузатди.

БЕКОРЧИЛАР КЛУБИ

Сўнгги вақтларда Германияда янги-янги клублар ташкил этилмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда уларнинг сони икки мингдан ошиб кетди. Баланд бўйлилар, узун оёқлилар, ҳатто энди бекорчилар клуби ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бекорчилар клуби аъзолари йилига албатта, уч ҳафта ишсиз бўлишлари шарт.

Воқеалик ва тафсилот

«ЎРГИМЧАК ТЎРИ»

ёки соддадил фуқаролар унга қандай илиниб қолаётгани ҳақида

Юртимизда истиқлол туфайли юзага чиққан эътиқод эркинлиги сиёсати фуқароларимизга имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, асраб-авайлашга имкон берди. Мамлакатимизда яшаётган турли динга мансуб аҳоли вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, бағрикенгликка ҳамма ҳавас қилади. Лекин жамиятимиз барқарорлигини таъминловчи бу ҳамжиҳатликка ҳасад қилувчи ғаламислар ҳам йўқ эмас. Ўша ғаламислар бизга ёт бўлган, хориждан кириб келган турли диний оқимлар ва ташкилотлар ғояларини аҳоли орасида тарғиб этиш орқали диндараро аҳилликкка раҳна солишга уринмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари маълумотлари асосида тайёрланган ушбу мақола бузғунчи кайфиятдаги айрим кимсаларнинг кирдикорлари хусусида.

Тан олиш жоизки, аҳоли ўртасида ўз имон-эътиқодига нисбатан хавфни ўз вақтида зийраклик билан англаб ололмайдиган кишилар ҳам учраб туради. Дунёқараши кенг эмаслиги боис ўз имон-эътиқоди мустаҳкамлигига бирмунча беэътибор ёки табиатан ишонувчан феъллли кишилар борки, улар пана-пастқам жойларда изғиб юрган миссионерлар найранглари алданиб қолишлари ҳеч гап эмас. Лекин бундай инсонларни даб-дурустдан айблаш ҳам инсофдан бўлмайди. Чунки миссионерлар ўз ғаразли мақсадига эришиш йўлида турфа ҳийлаю макр ишлатиб, ҳатто унча-мунча ҳушёроқ кишини ҳам тўғри йўлдан оздиришнинг уддасидан чиқадиган устомон кимсалардир. Буни миссионерларнинг найрангларидан воқиф кишилар яхши билишади. Миссионерларга хориждаги раҳнамолари йўл-йўриқ кўрсатишади, кучли руҳшунослар томонидан ёзилган ва юртимизга хуфёна олиб келинган китоблар асосида таълим беришади. Шунинг учун ҳам аксарият ҳолларда миссионер эътиборига тушган одам унинг хушмуомаласи, ғамхўрларча муносабатига алданиб, ҳушёрликни бой беради ва эндигина танишган бўлса-да, унинг ғайритабиий, баъзан шубҳали таклифларига беихтиёр рози бўлади. Коса тагида нимкоса борлиги кейинроқ аён бўлади, албатта. Унгача эса секта маддоҳлари ўлжасини тўрга ўраб-чирмаган ўргимчак сингари ишонувчан, содда одамларни авраб, онгини, хатти-ҳаракатларини тизгинлаб бораверади... Вақт ўтгани сайин сектани тарк этиш қийинлашиб боради.

Кундалик турмуш, оилавий ҳаёт фақатгина хурсандчилик, шоду хуррамликдан иборат эмас, албатта. Бу борада муаммога дуч келмаган инсоннинг ўзи йўқ. Айниқса, турмуш чорраҳаларида эру хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасида фикрлар тўқнашуви, зиддиятли вазиятлар кўп учрайди. Кўпинча оилада ўзига ҳамфикр тополмаган, ўз муаммолари билан юзма-юз қолган норози кайфиятдаги ўсмир кўча-кўйда бемақсад тентираб, ўзига юпанч излайди. Ана шу вазиятда ўсмирнинг рўпарасида секта вакили пайдо бўлади-ю, уни ўта мулойимлик билан аврай бошлайди. Айни дамда худди шундай эътибор ва ҳамдардликка муҳтож бўлиб турган ўсмир ёшдаги йигит ёки қиз тез орада ўргимчак тўрига илинган ўлжа аҳволига тушади ва секта "катта"ларига сўзсиз итоат қила бошлайди. Ўсмир орттирган янги "дўстлар"и таъсирида оила аъзолари, атрофдагилардан кун сайин руҳан йироқлашади, унда бефарқлик ҳисси уйғониб, мустаҳкамлана боради. Чунки одамлар онгига таъсир услуби ва воситалари турлича бўлсада, секталарнинг умумий мақсади ягона — инсонни дастлаб оиладан, тенгдошларидан, иш ёки ўқиш жойидан, бора-бора жамиятдан ажратиб олиш!

...Тошкент вилоятида яшовчи Салима опанинг ўғли ҳам ишонувчанлиги ва таъсирчанлиги туфайли ноқонуний фаолият юритаётган секталардан бирининг "тўри"га илиниб қолди.

— Аввалига у укаси билан сўзлашмай қўйди. Бора-бора отасига ҳам терс гапирадиган бўлиб қолди, — дея эслайди Салима опа. — Хушчақчак, самимий ўғлим тез орада тунд, ҳаёлпараст бўлиб қолди. Тез-тез аллақаёқларга ғойиб бўладиган одат чиқарди...

Маълум бўлишича, эр-хотин турмуш ташвишлари билан банд бўлиб, балоғатга етиш жараёнини бошдан кечираётган фарзандининг кечинмалари, муаммоларига етарли даражада эътибор қаратмаган. Ўзини худди кераксиздек ҳис қилган йигитча оиладан безган. Шу орада у секта таъсирига тушган. Салима опа фарзандини бу ғаламис, инсон онгини емирувчи таъсирдан қутқаргунча озмунча овора бўлмади, дейсизми?! У маҳалла-кўй, ўғлининг дўстларини, ҳатто тажрибали руҳшуносларни жалб этган ҳолда ўғлини бузғунчи кимсалар сафидан чиқариб олди.

Афсуски, озми-кўпми ҳаётий тажрибага эга, фарзандлари тарбияси ва тақдирига масъул инсонларнинг мутаассиб секталар "тўри"га илиниб қолиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

... Икки фарзандини ёлғиз ўзи оқ ювиб-оқ тараб катта қилаётган тошкентлик Валия исмли аёл нуфузли ташкилотда ҳисобчи бўлиб ишларди. Унинг энг катта орзуси ўғил ва қизининг камолини кўриш эди. Фарзандлари соғлом, ўқишяпти, рўзғорда бировга муҳтожлиги ҳам йўқ. Лекин баъзан аёл қалби бир ҳамдардга муҳтожлик сезарди. Ана шундай кунларнинг бирида у кўчада бежирим кийинган, ёқимтой, хушмуомала жувон билан тасодифан танишиб қолди. Аёл Марина билан (янги дугонаси ўзини шундай таништирган эди) анча дардлашди. Марина суҳбат орасида художўй, яхши ниятли инсонлар бир жамоа бўлиб, тез-тез йиғилиб туришлари, бир-бирларига доимо ҳамдард эканликларини айтганида, турган гапки, Валияда ҳам ўша жамоадагиларнинг бирига айланиш истаги уйғонди. Марина кўзлаган мақсад ҳам шу эди аслида. Валия шу тариқа "Иегова гувоҳлари" оқимининг яширин гуруҳига қўшилиб қолди. У йиғинларга қатнашиб юрди ва дастлаб дугоналари, дўстлари кўпайиб, ҳамдард топгандек, ўзини ёлғизлик азобидан қутулгандек ҳис қилди. Аввалига ҳаммаси рисоладагидек кўринган жамоада ғалати, савол уйғотадиган ҳолатлар ҳам борлиги кейинроқ аён бўла бошлади.

Ўзларини "художўй, самимий, яхши хулқли инсонлар" деб биладиган бу кишилар негадир доим пана-пастқам жойларда ёхуд бир-бирларининг уйларида яширинча йиғилишарди. Давлат, умумхалқ байрамлари, туғилган саналарни оила, қариндош-уруғ, дўстлар билан биргаликда нишонлаш ҳам уларнинг қоидаларига хилоф эди. Йигит киши учун қўлда қурол билан Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас бурч ҳам уларнинг таълимотига умуман тўғри келмасди. Бу ҳолатлар Валияни баъзан ўйлантириб қўйса ҳам, секта "катта"ларидан бу ҳақда сўрагани ботинолмасди. Чунки улар савол берганни хуш кўришмас, "лом-мим" демай итоат қилганлар эса уларнинг хайрихоҳлигига эришарди. Бора-бора Валиянинг ишидан кўнгли совиди. Чунки баъзан иш сабаб йиғинларга қатнаша олмас, кўчама-кўча юриб одамларни сектага даъват қилишга ҳам вақт тополмасди. Ҳисобчилик ишини йиғиштириб, маоши камроқ бўлса ҳам фаррошликка ўтиб олди. Муҳими, секта йиғинларига бориш, топшириқларини бажариш учун вақт етарли бўлса, бас! Валия кўп йиллар давомида дўстлашиб келган ҳамкасбларию дугоналари билан ҳам биринкетин муносабатни узди. Сабаби сектадаги янги дўстлари бутун ер юзида ўзларидан яхшироқ инсонлар йўқлигига уни ишонтиришганди.

Шундан сўнг бу аёлнинг бошига тушган савдолар аянчли ҳикояга ўхшайди. Валия секта "тўри"га шу даражада ўралдики, охир-оқибат ягона қизини секта йўлбошчиларидан бирига хотинликка берди, ўғли ҳам шу оқим аъзосига айланди. Бетайин бир "аллома"нинг хотинига айланган қиз шўрлик калтак, таҳқирлашларга базўр чидарди, чунки бу жамоада ўз шаънини, қадр-қимматини ҳимоя қилиш секта хўжайинларининг жаҳлини чиқарар, бунинг учун жамики жамоани ўзига ва онасига қарши "қайраб" қўйишлари мумкин эди. Қизини зимдан кузатиб, унинг азобланаётганини сезиб юрган она ундан-да баттар эзиларди. Куёвининг инсофга келишига умид қила-қила, ҳафталар, ойлар ўтди. Лекин Валия умид қилган ижобий ўзгариш юз бермади. Қизи шўрлик ҳомиладор бўлгач ҳам мутаассиб эрнинг азобларидан қутулмади. Ноқобил эр ҳатто илк фарзандини туғруқхонадан уйга олиб кетишга ҳам ярамади. Бу ёғига Валия тоқат қила олмади, чунки аввал ёлғиз қизига ачиниб юрган бўлса, энди набирасининг тақдири ҳам хавф остида қолганди. Лекин сектада унинг аҳволини ким ҳам тушунарди? Ҳаммани ўз измига юргизадиган куёви Валия билан гаплашишни барчага, ҳатто ўғлига ҳам тақиқлаб қўйди. Сектадаги шериклари қутқусига учиб ҳамкасблари, дугоналари билан алоқани узиб қўйган Валия энди тамомила яккаланиб қолди...

Яхшики, вазиятдан хабардор бўлган маҳалла фаоллари Валияни ёлғизлатиб қўйишмади. У ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари кўмагида аввалги ҳаётини тиклади. Ҳисобчилик фаолиятига қайтди, у яшайдиган маҳалла йиғини томонидан набираси учун ойлик нафақа тайинланиб, болалар боғчасига жойланди. Мутаассиблар таъсирида онасидан, синглисидан воз кечишига сал қолган ўғил ҳам оилага қайтди. Фуқаролар онгини заҳарлаб, тазйиқ ўтказиш орқали шахсий эркинлигини чегаралаб, лақиллатиб юрган лўттибозлар эса тегишли жазо олишди.

Маълумки, ноқонуний фаолият юритаётган секталар ўз сафини кенгайтириш учун хилма-хил найранглардан фойдаланиб келади. Бунда ёшларга компьютер, чет тили ўргатиладиган ўқув курсларида бепул ўқитиш, хорижга юбориш ҳақидаги ёлғон ваъдалар, арзимаган моддий ёрдам кўрсатиш каби усуллар қўлланилади. Ҳар қандай шубҳалардан холидек кўринган бу имтиёзлар орқали секталар кишилар онгига суқилиб кириш, яхшироқ ўрнашиб олиш учун туйнук қидиради. Кейин эса ғараз ниятда қазилган чоҳ томон етаклай бошлайди...

Қиссадан ҳисса шуки, эътиқод мустаҳкамлиги борасидаги лоқайдлик ҳар қандай жамиятда хатарли оқибатларга олиб келиши тайин. Шундай экан, бу борада ҳушёрлик ҳар бир фуқаро олдига қўйиладиган давр талабидир. Вақти-вақти билан маҳаллаларда изғиб, кўпқаватли уйларнинг хонадонларини тақиллатиб юрган миссионерлар фуқароларимизга ўзга динга ўтишни, хуфёна фаолият юритаётган секталарга киришни зўр бериб тарғиб қиляпти. Улар мулойимлик билан тутқазаётган хориждан яширинча келтирилган ранг-баранг китобчани қизиқсиниб ўқишдан аввал мулоҳаза юритайлик: хўш, минг-минглаб чақирим олисда пайдо бўлган аллақайси диний оқиму ташкилотлар вакиллари нега бизга бундай мурувват кўрсатмоқда? Ҳар бир фуқарога ўзи истаган динга эътиқод қўйиш имконияти яратиб берилган мамлакатимизда улар нима мақсадда сангиб юришибди?..

Албатта, бир динни бошқаси олдида ерга уриб ёхуд кўкларга кўтариб мақтаб, унга эътиқод қўйишни даъват қилаётган бу қонунбузар кимсаларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари тегишли чора кўряпти. Лекин ғаламис ниятли бузғунчиларга қарши курашиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Қачонки, эътиқод истаганда алмаштирилиб кетаверадиган бир буюм ёки либос эмаслигини ҳар биримиз қалбимиз, онгу шууримиз билан англаб ета олсак ҳамда бу борада ақл ўргатувчиларга муҳтож эмаслигимизни рўй-рост айтолсаккина бадният кимсалар ортга чекинади.

В.ОДИЛОВ

Муштарий илҳоми

Она юрт мадҳи

Ота-боболардан мерос қолган юрт,
Жаннатга менгзаса арзирлик макон.
Не-не ботирларга бешик бўлган эл,
Боғларинг сўлмагай, бўлмагай пайҳон.

Шавқу ғурур-ла куйлайман жўшиб,
Гулу булбулларга тўлиқ чамансан.
Келажаги буюк улуғ диёрим,
Жисмимдаги жоним, азиз Ватансан.

Ўтмишинг шарафли, бугунинг гўзал,
Осмонинг бундан-да мусаффо бўлсин.
Байроғинг ҳар доим юксак ҳилпираб,
Бағрингда бахтиёр фарзандлар унсин.

Саида ЖЎРАЕВА
Наманган вилояти Чуст тумани

Тарихдан тариқча

Элчилар ва йўлчилар

Соҳибқирон салтанатида уларга алоҳида иззат-икром кўрсатилган

Тарихдан маълумки, Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида, мустақил давлат номидан турли мамлакатлар ва катта-кичик подшоҳликлар билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйишга интилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқиронни ҳар гал ҳарбий юришлардаги ғалабаси билан дастлаб қўшни мамлакатлар ҳукмдорлари муборакбод этиб, бирин-кетин Самарқандга элчилар йўллашган. Соҳибқирон салтанати ташкил топгандан кейин эса жаҳоннинг турли бурчакларидан Амир Темур қароргоҳига хориж давлатларидан элчилар келиши анъанавий тус олган.

Ўз навбатида Соҳибқирон номидан ҳам ўнлаб давлатларга турли масалалар юзасидан пайдар-пай элчилар жўнатиб турилган. Аммо ўрта асрлардаги сафар шарт-шароитларининг мураккаблиги, боз устига, кўп жойларда сиёсий беқарорлик ҳукм сурган пайтларда элчилар катта қийинчиликларни бошдан кечирганлар, айрим ҳолларда улар талон-тарожга дуч келиб, ўз вазифаларини адо эта олмай орқага қайтишга ҳам мажбур бўлганлар. Амир Темур ана шундай ҳолларни ҳисобга олиб, ўз мамлакатида ҳукмронлигининг дастлабки йилларидан бошлаб бу масалада ҳам қатъий тартиб ўрнатган. Салтанат сарҳадларида элчиларга дахлсиз кишилар сифатида қаралар, Соҳибқироннинг буйруғига биноан жойлардаги барча катта-кичик амалдорлар томонидан уларга ҳар томонлама қулай шароит яратилиши шарт қилиб қўйилганди. Бу ҳақда Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг эсдаликларида аниқ маълумотлар келтирилган. Жумладан, Клавихо испан элчилари Амир Темур суворийлари қадами етган сарҳадларга қадам қўйишлари билан, йўл-йўлакай қаерда тўхтамасинлар, ҳамма жойда катта ҳурмат билан эъзозланишларини, пул, озиқ-овқат, от-улов, ҳатто кийим-кечак билан ҳам таъминланишини ёзади. Элчилар нафақат шаҳарда, балки олис қишлоқларда ҳам яхши кутиб олингани ҳақидаги маълумотлар Клавихо кундалигида ўз аксини топган.

Унда ёзилишича, "3 май шанба куни улар (элчилар — **Р.Б.**) бир қишлоққа етиб келдилар. Қишлоқда уларни яхши қарши олишди, одамларга овқат ва мингани от, ҳатто юкларини ташиш учун улов ҳам беришди. Ётиш учун бошқа қишлоққа келдилар. Бу ерда ҳам уларни меҳмон қилишди. Бу жойдаги одат шундай экан: улар қаерга келишмасин, бу ерда қолишадими, йўқми, ҳар бир хонадонда махсус жой ҳозирлашади, олдиларига... супра ёйиб, унинг устига нон... сўнгра кўплаб гўшт, қатиқ, тухум ва асал каби егуликларни қўйишади... Бирон жойга етиб келишлари билан уларни қишлоқ оқсоқоли кутиб олади ва Темурбекнинг элчиси унга овқат ҳозирлашни, от ва хизматкорлар келтиришни буюради".

"Элчилар ўша куни етиб келган Терит (Термиз) шаҳри жуда катта ва аҳолиси кўп бир шаҳар эрур, — деб ёзади яна Клавихо ўз кундалигида. — Бу шаҳарда элчиларга катта иззат-икром кўрсатдилар, барча зарур нарсалар билан таъминладилар; ипак матодан тикилган кўйлак совға қилдилар..."

Таъкидлаш жоизки, бундай иззат-икромдан нафақат Испания элчилари, балки салтанатга ташриф буюрган элчилар ҳам баҳраманд бўлганлар.

Шунингдек, Соҳибқирон мамлакатида "йўлчилар" хизматига ҳам элчилар сингари алоҳида эътибор қаратилган. Маълумки, Амир Темур давлатида вилоятлар, унинг таркибига кирган мамлакатлар билан доимий алоқа воситасини жорий этишга эътибор берилган. Аввал Турон заминида, сўнгра салтанатнинг бошқа сарҳадларида суворийлар тезкорлик билан босиб ўтадиган масофанинг маълум қисмларида махсус қўнимгоҳлар ташкил этилган. Уларда етарли от-улов, озиқ-овқат захиралари шай қилиб қўйилган.

Бу ҳақда "Темур тузуклари"да жуда аниқ қилиб ёзилган: "Ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарда хабар ёзувчи (хабарнафис)лар тайин қилинсинларки, ҳокимлар раият, сипоҳ ўзининг ва ёт бегона лашкарларнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин... Ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар. Амр қилдимки, мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елибюгурувчи киши чопқучи, минг нафар тезюрар пиёдани (чопар этиб) тайинласинлар, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб хабар қилсинлар, токи бу воқеа, кор-ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик".

Манзилгоҳлар орасидаги ҳаракат кеча-кундуз, узлуксиз давом этган. Шунинг учун Амир Темур беповён салтанатининг қайси ҳудудида бўлмасин, ҳамма вақт ўз давлати сарҳадлари ва қўшни мамлакатларда рўй бераётган ҳамма воқеалардан олдиндан огоҳ бўлиб турган ва хавф-хатарнинг олдини олишга муваффақ бўлган.

Айни вақтда алоқа масаласидаги бу тартиб-қоидага монеълик қилиш қатъиян ман қилиниши билан бирга зарур ҳолларда "йўлчилар"га зудлик билан ёрдам кўрсатиш манзилгоҳлар атрофида яшовчи аҳоли зиммасига юклатилган. Бу эса ўз навбатида "йўлчилар"нинг вазифаларини адо этишда маълум имтиёзларга эга бўлганлигини кўрсатади. Аҳоли "йўлчилар"нинг озиқ-овқатидан, от-уловидан хабардор бўлиши, улар ўтадиган йўлнинг хавфсизлигини таъминлаши, ҳар бир талабини сўзсиз бажариши ва эътиборсиз қолдирмаслиги лозим бўлган.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни кунларда бошлайдиган ишларингиз омадли якун топади. Фақат режаларингизни амалга оширишда дангасалик қилманг.

СИГИР(22.04-20.05)
Ушбу ҳафтада шахсий ҳаётингизда муҳим ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Бироқ бундай пайтда ҳамманинг гапига ишонаверманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда янги лойиҳа устида иш бошлайсиз. Пайшанба куни юзага келадиган вазият ҳушёрроқ бўлишингизни талаб этади.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Соғлиғингизга ўз вақтида эътибор беринг. Ахир касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, деб бежиз айтишмаган.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ҳафтанинг биринчи ярмида янги дўст ва танишлар орттирасиз. Жума ва шанба кунлари пул билан боғлиқ масалаларга қўл урмаганингиз маъқул.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Айни кунларда ўз ҳаракатингиз билан кўп муаммоларни ҳал қиласиз. Бунинг натижасида молиявий аҳволингизни ҳам анча яхшилаб оласиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Мазкур бурж вакилларига хос бўлган талабчанлик ишда муваффақият келтиради. Сафарга чиқиш режасини бироз кейинроққа қолдиринг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Топқирлигингиз туфайли шу кунларда эътирофга сазовор бўласиз. Атрофингиздагиларга қуруқ ваъда беришдан сақланинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда илмий фаолиятда катта ютуққа эришасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида шахсий ҳаётингизга ўзгартириш киритиш имконияти пайдо бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Янги ишни бошлашдан аввал оиладаги муносабатларингизни изга солиб олганингиз маъқул. Хотиржамлик ва ҳамжиҳатликда бошланган иш ҳайрли бўлади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ушбу ҳафтада руҳиятингизда тушкунлик пайдо бўлади. Ёлғизликдан қочиб, атрофдагилар билан кўпроқ мулоқотда бўлишга ҳаракат қилинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Айни кунларда дўстлар билан учрашув ёки бошқа норасмий тадбирлар билан овора бўлиб ишга масъулиятсиз ёндашманг. Ҳамма нарса меъёрида бўлгани яхши.

Мулоҳаза минбари

Келинчакка тақлид қилган қизчалар

улар нега бизни бефарқ қолдирмоқда?

Ҳайит байрами кунлари келин тушган хонадонлардан келди-кетди узилмайди. Ўз-ўзидан аёнки, бундай кунларда сарф-харажатлар ҳам шунга яраша бўлади. Гарчи бу каби ортиқча дабдабаю оворагарчиликларни нисбатан чеклаш, уларнинг олдини олиш борасида мутасадди ташкилотлар ҳамда жамоатчилик томонидан аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилишига қарамай, кўзланган мақсадга тўлиқ эриша олмаётганимиз бор гап.

Яқинда маҳалла йиғинидаги мажлисда кўпни кўрган онахонлардан бири шу ҳақда сўз очиб, бунда хотин-қизларнинг, айниқса, ўқувчи қизларнинг "ҳиссаси" катта бўлаётганидан куйиниб гапирди. Онахоннинг фикрларини йиғилганлар ҳам қўллаб-қувватлаб, бунга чек қўйиш пайти аллақачон етганини таъкидлашди. Албатта, бу каби ҳақли эътирозлар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Ахир эл олдига дастурхон ёзиб, тўй қилганига кўп бўлмаган хонадон учун бу ортиқча ташвиш, чиқим эмасми? Қолаверса, "келин кўрди"га ташриф буюрувчилар маълум вақтда келиб кетсалар майли эди. Таниш-нотаниш меҳмонларнинг уч кунгача тўп-тўп бўлиб хоҳлаган пайт кириб келаверишларини қандай баҳолаш мумкин? Янги тушган келинчак эса ҳар бир меҳмонга эгилиб салом бериши, қўл учида чой узатиб, мулозамат кўрсатиши керак. Мабодо келин оғироёқ бўлса, унга қанчалик оғирлигини тасаввур қилаверинг. Бу маросимларда йўл қўйиладиган исрофгарчилик ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Тўғри, халқимизда келинларга алоҳида ҳурмат, эътибор кўрсатилади. Айниқса, қизчаларимиз уларга ҳавас қилиб, ўзлари ҳам келажакда гўзал ва иболи келин бўлишни ният қиладилар. Бу яхши таомил албатта. Бироқ табиатан тақлидчан ва қизиқувчан, айни пайтда ўқиб билим олиши зарур бўлган қизларнинг хонадонма-хонадон юриб келин кўришлари, келинларни ўзаро таққослаб, мунозара қилишлари ва яна қанча пайт шундай таассуротлар оғушида юришлари тўғримикан?

Дилимдаги гапларни ҳамкасбларим билан ўртоқлашдим. Уларнинг аксарияти ҳайит диний байрам, қолаверса, миллий қадриятларимиздан бирига айланиб кетганини таъкидлаб, уни ортиқча чиқимлар эвазига, дабдабабозлик билан эмас, балки инсонлар бир-бирларининг кўнглини кўтарадиган, ҳол-аҳвол сўрайдиган, йўқлайдиган байрам сифатида ўтказиш тўғрисидаги фикрларни қўллаб-қувватлашди.

Вилоятимизда турли тадбирларни, маърака-маросимларни тартибли ва камчиқим қилиб ўтказиш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, ички ишлар идоралари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Режа асосида вилоятимизнинг барча ҳудудларида малакали мутахассислардан иборат гуруҳлар тузилиб, улар олдига мактаб ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари билан одоб-ахлоққа доир суҳбатлар ўтказиш, кенг микёсда тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси қўйилди. Бунда йиғин қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларига алоҳида эътибор қаратилди, уларнинг тўлақонли фаолият юритиши учун зарур амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, бу ишга маҳаллалардаги қайвони онахонлар, отинойилар ҳам кенг жалб этилди. Кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини беряпти.

Ҳайит — инсонларни меҳр-оқибатга, эзгуликка чорловчи муқаддас байрам. Байрам кунлари қалбимизни поклаб, бир-биримиздан яхши тилакларимизни, ширин сўзларимизни дариғ тутмаслигимиз лозим. Энг муҳими ҳам шу! Зеро, бизнинг кимлигимизни турли ноз-неъматлар билан тўлиб-тошган дастурхонимиз, дабдабаю чиқимларимиз эмас, балки гўзал ҳулқимиз, хайрли амалларимиз кўрсатади.

Сайёра ЎДАЕВА,
"Маҳалла" жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими бош мутахассиси.

Спорт

Маълумки, юртдошимиз Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритгач, юртимизда спортнинг бу турига ишқибозлар, энг муҳими, шахмат билан жиддий шуғулланадиган ёшлар сафи кенгайди. Айни кунларда пойтахтдаги Республика шахмат клубида шахмат бўйича Тошкент шаҳри биринчилиги мусобақалари давом этмоқда.

Беллашувларда ёшидан қатъи назар I ва II разрядли спорт усталари ва спорт усталигига номзодлар иштирок этмоқда. Ҳар бир иштирокчи 16 та партияда дона суришади. Ушбу беллашувнинг энг ёш шахматчиси Туркияда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионати иштирокчиси 9 ёшли Руслан Павловскийдир (юқоридаги суратда).

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Қорақалпоғистон Республикаси

Ажабо!..

ЁШ ОИЛАНИНГ ҚЎШ ҚУВОНЧИ

Мўйноқ туманидаги 1-сонли маҳаллада истиқомат қиладиган Қутлимуродовлар оиласида қувончли воқеа юз берди.

Гап шундаки, мазкур ёш оила бекаси Гулойим Қутлимуродова бир йўла уч нафар фарзанд кўрди. Яна бир қувончли жиҳати, ушбу чақалоқлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги байрами арафасида дунёга келди. Уларга ота-онаси яхши ниятлар билан Хонсаёт, Ҳасан ва Ҳусан деб исм қўйишди.

Шу куни туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ва 1-сонли маҳалла фаоллари Қутлимуродовлар оиласини фарзандли бўлишгани муносабати билан муборакбод этишди. Уларга чақалоқларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шифокорларнинг айтишича, айни пайтда чақалоқлар соғлом ривожланмоқда.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Ҳикматга яқинроқ фикрлар

** Энг катта ютуқларим одамларга бўлган ишончим ва ишончсизлигим натижаси. Энг катта омадсизликларим ҳам одамларга ишончим ва ишончсизлигим оқибатидир.*

** Баъзан мен одамларни танимай қоламан, баъзан одамлар мени танимай қолишади, баъзан ўзимни ўзим танимай қоламан.*

** Агар ўзим қарашиб юбормасам, ҳеч ким мени йўлга сола олмаган бўларди...*

** Биринчи бўлиб, астойдил салом беришлик лаззатини бегона қила кўрманг.*

** Қудалар қадрдонларинг ҳисобланади, лекин йўлинг тушиб қолса ҳам қудангникига кира берма!*

** Агар барор кимсада қасдингиз бўлса менга айтинг: соатлаб ҳол-аҳвол сўраб тинка-мадор қуритадиган ўта сергап танишим бор, шунга рўпара қилиб қўяман.*

** Эшик ўзингники бўлса ҳам, ғичирлагани ёқмайди.*

** Қимматбаҳо пойабзал кийган киши оёғига кўп тикилади.*

** Тегирмон тошининг оғир эканлигини билиш учун тегирмончи бўлиш шарт эмас.*

** Битмайдиган ишнинг ўзи йўқ, лекин қачон битиши номаълум.*

Мансурхон ТОИРОВ

Мўъжизакор дунё

ДАСТЁР РОБОТ



«THE WASHINGTON POST» нашрининг хабар беришича, Японияда Twendu-One номини олган дастёр-робот жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди. Ихтирочиларнинг таъкидлашларича, бу қурилма ҳатто энг нозик буюмларни ҳам у жойдан бу жойга синдирмасдан қўя оладиган дунёдаги биринчи роботдир.

Шунингдек, Twendu-One ҳеч қандай жароҳат етказмаган ҳолда одамнинг қўлидан ушлаб ўрнидан турғазиши ва ўтиришига ёрдам бериши мумкин. Бу борада роботга керакли кучни тўғри йўналтира оладиган 241 та босим сенсорлари ҳамда ички томонидан юмшоқ силиконли қопламадан иборат бўлган қўллари ёрдам беради. Шу боис Twendu-One ҳатто бутерброд ҳам тайёрлай олади.

Тақдимот маросимида робот ликопчага нон бўлагини қўйиб, махсус буйрукдан сўнг унинг устига кетчуп қуйишнинг уддасидан чиқди ва хўрандаларга ёқимли иштаҳа ҳам тилаб қўйди.

Вазни 111 кг, баландлиги эса 1,5 метрни ташкил этадиган мазкур роботни яратиш учун мутахассислар етти йил вақт ва бир неча миллион доллар маблағ сарфлашган. Ихтирочилар Twendu-Oneни 2015 йилда сотувга чиқаришни мўлжаллашмоқда. Унинг баҳоси 200 минг АҚШ доллари атрофида бўлиши тахмин қилинмоқда.

"ВАЗНИМ БОШИМГА БАЛО!"

АҚШда яшовчи кўпчилик инсонлар ортиқча вазн борасида муаммоларга дуч келиши ҳақида билсангиз керак. Хусусан, Миссури штатилик Гари Стоклауэр ҳам бола асраб олиш ҳуқуқини берувчи рухсатномани қўлга киритиш учун жарроҳлик столида ётишга мажбур бўлди.

Жорий йилнинг июль ойида суд томонидан 35 ёшли Гари ва рафиқаси Синдининг узоқ қариндоши фарзандини асраб олишини тақиқловчи қарор чиқарилган эди. Ўша пайтда суднинг қарорига асос бўлган сабаблар изоҳланмаган бўлса-да, Гари бунинг асосий боиси ўзининг вазни билан боғлиқ эканлигини таъкидлаган. Стоклауэрлар томонидан асраб олинмоқчи бўлган Макс исмли болакай бу оилада 4 ойга яқин яшади ва суд қароридан кейин бошқа оила қарамоғига берилди. Шу боис, август ойида Гари ошқозон-ичак йўллари аностомозасини ўрнатиш операциясига розилик билдирган. Мазкур жарроҳлик амалиёти натижасида у деярли 90 килограммга озишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг бола асраб олиш билан боғлиқ масалани қайта кўриб чиқишларини сўраб судга мурожаат қилди.

Америкалик экспертларнинг таъкидлашича, бола асраб олишни расмийлаштириш билан шуғулланувчи агентликлар, суд ва бошқа назорат идоралари кўп ҳолларда асраб олувчининг вазнига ҳам эътибор беришга мажбурлар. Негаки, меъёридан ортиқ вазнга эга бўлиш инсон умрини қисқартириши ва бола парваришига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Сўнгги маълумотларга кўра, ҳозирда Америка аҳолисининг 72 миллион нафари семизликдан азият чекмоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йили Хитойда ҳам бола асраб олиш тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилиб, унга мувофиқ, семизликдан азият чекаётган чет эллик фуқароларга хитойлик болаларни асраб олиш тақиқланади.

ОБУНА — 2008

Азиз муштарий!

Сиз қадрдон ҳаммаслагингиз, фаолиятда ҳамкорингизга айланиб қолган "Mahalla" газетасига обуна бўлишни кечиктириб ўтирманг. Бугун "Mahalla"га обуна бўлишнинг айни вақти, эртага кеч бўлиши мумкин.

ООО "MONTENEGRO" города Ташкента Яккасарайского района ликвидируется (код ОКПО 19742431, ИНН 205208284). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел: 176-20-47.

ДП "RAHIMOVA" г.Ташкента С.Рахимовского района (код по ОКПО 16965076) переименовывается в ДП "TASH JELDOREKSPEDITSYA" Претензии принимаются в течении одного месяца по тел: 234-04-13.

Зангиота туманида рўйхатга олинган "Фахриддин Фазлиддин Бизнес" хусусий корхонаси устав Фондини 4170000 сўмдан 1890000 сўмга камайтирди. Даъво аризалари 1 ой давомида 251-56-65 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утерянный диплом QK-1 № 004743 об окончании Ташкентского высшего военно-технического училища МВД Республики Узбекистан, выданный в 2006 году Пулатову Умиджону Самижоновичу, считать недействительным.

Фарғона шаҳар генерал-майор Ғуломжон Зокиров номидаги Республика ҳуқуқий лицейидан 2004 йилда Кабулов Тохир Райимбердиевич номига берилган O'R-A № 1366675 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 12 декабрь 50 (600)

10316 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1121 Топширилди — 22.00
1 2 3 4 6